

## **ФОЛЬКЛОР ЗАМИНИДАГИ МУХТАШАМ ИМОРАТЛАР**

Юлдуз Каримова ф.ф.н. доцент. Jspi.uz

Адабиётшунос олимларимиз жаҳон адабиётининг Шекспир, Сервантес, Гёте каби буюк ижодкорларнинг асарларини «фольклор заминида яратилган муҳташам иморатларга» (Ҳ.Олимжон) менгзайдилар, А.С.Пушкин ижодий фаолиятининг бутун бир босқичини фольклор даври дея эътироф этишади.

Академик шоиришимиз Ғафур Ғулом ўзининг «Фольклордан ўрганайлик» мақоласида Алишер Навоий ижодида фольклорнинг ўрни ҳақида фикр юрита туриб: «У ўз сюжетларини халқдан олгани каби, иккинчи навбатда халқ учун сюжет беради»<sup>1</sup>, – деб айтган эди. Бинобарин, Пиримқул Қодировнинг «Ботирлар ва баҳиллар» афсона - қиссадининг сюжети ҳам халқдан олинган.

Ёзувчининг ўзи таъкидлашича, «халқ ижодининг афсонавий дунёси билан ўтмишнинг воқеий дунёсини бир-бирига чатиштиришдан пайдо бўлган», адиб болалигининг беҳаловат кувғинлик гўшасида рўй берган, ўзининг аччиқ изтироблари билан ёзувчининг қалбига бир умр муҳрланган хотиралар қиссадаги рамзий талқин билан янада бойиган, кўламлилик касб этганига гувоҳ бўламиз.

Севимли адибимиз Пиримқул Қодиров ҳам ўз инсоний ва ижодий камолоти йўлида онасидан тинглаган халқ оғзаки ижоди намуналарининг бекиёс аҳамиятини шундай эътироф этади: «Болалиқда онамиздан ўрганган сўзларимиз, дуоларимиз, кўшиқ ва эртакларимиз умрбод ёдимииздан чиқмайди. Раҳматли онам Ўғилой Ҳусан қизи айтган эртакларда даҳшатли девлар, ялмоғизлар билан олишиб ғолиб чиқадиган ботирлар бизни ҳам жасур бўлишга ундар эди»<sup>2</sup>.

«Ботирлар ва баҳиллар» афсона-қиссадининг асосий фольклор манбаи «Уч оға-ини ботирлар» эртаги ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ғафур Ғулом. Муқаммал асарлар тўплами. 11-том. -Тошкент, 1989. – Б. 75.

<sup>2</sup> Пиримқул Қодиров. Қалб кўзлари. -Тошкент: Маънавият, 2001. –Б.123.

Адолатли ҳукмдор, ҳалқ фаровонлиги, юрт ободлиги, тинчлик, инсон-инсонга дўст, биродар тамойили асосида яшаш, ўзаро аҳиллик ва тотувлик, меҳнат кишисининг қадр-қиммати ҳақидаги орзу-истаклари афсона-қиссанинг гоявий мазмунини ташкил қиласди.

Афсона-қиссада фольклорга хос коллизия – икки бир-бирига қарама-қарши қутб эзгулик тарафдорлари Чўпон ота, унинг ўғиллари уч оға-ини ботирлар, ёвузлик, жоҳиллик тарафдорлари Камолхон подшо, вазири аъзам Зухурбек ва шаҳзода Абусаидлар билан бўлган тўқнашув ва жангларда очиб берилади.

«Ботирлар ва баҳиллар» қиссада ижтимоий идеаллар руҳидаги рамзийликка кучли майл сезилади. Афсона - қиссада рамзийлик сюжетни маълум маънода тўлдирибгина қолмай, асар гоясининг умумий салмоғини оширишга ҳам хизмат қиласди.

Афсона-қиссада ижтимоий-маиший маъно касб этган конфликт ечимида, адолат ва ҳақиқат тантанасида, ботирларнинг зафариятида, баҳилларнинг мағлубиятида ботирларнинг падари бузруквори Чўпон ота образи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қиссада Чўпон ота мустабид подшо зулмидан эзилган мамлакатда одилона тартибларнинг, меҳнаткаш ҳалқ манфаатларининг ҳимоячиси сифатида танилади. Ёзувчи асар давомида Чўпон отага хос бўлган донишмандлик, бағрикенглик, андишалилик, ҳалқпарварлик, юртсеварлик хусусиятларини ишонарли лавҳаларда очиб берадики, энди Чўпон ота образи эртакдагидек тор доирада – фақат ботирларнинг отаси бўлиб қолмайди. Афсона-қиссада Чўпон ота хоннинг жоҳил сиёсатига қарши бош кўтарган ҳалқ қаҳрамонига айланади, мазлум ҳалқнинг дарду-ташвишларига шерик юрт отаси даражасига кўтарилади. Китобхон Чўпон ота тимсолида сталинизм сиёсатидан азоб чеккан бутун бир ўзбек ҳалқининг, ўзбек миллатининг тимсолини беришга ҳаракат қилган.

Афсона-қиссада Чўпон отанинг касб-кори билан боғлиқ автобиографик характердаги лавҳалар мавжуд. Ушбу фикримизни ёзувчининг нозик бир ишораси ҳам тасдиқлайди деб ўйлаймиз: «Ёшлиар учун ёзилган барча қисса ва

хикояларни тўплаб, 1994 йилда «Чўлпон» нашриётида «Ботирлар ва баҳиллар» деган ном билан чоп этдик. Бу китоб мактаб ўқувчилари учун ушбу таржимаи ҳолга илова (таъкид бизники – Ю.К.) бўлиб хизмат қилиши мумкин»<sup>1</sup>.

Ёшлик йилларида ўзини замонанинг ўгай фарзандидай ўксик сезган ёзувчи «бойнинг фарзанди», «ижтимоий келиб чиқиши хавфли» каби ёрликлар билан бот-бот азият чеккани бизга маълум.

Адиб шундай ёzáди: «Раҳматлик отам Қодир Йўлдош ўғли тоғларда қўй боқиб ўз меҳнати билан, чўпонлик маҳорати билан ўнта қўйни мингтага етказган, бугунги ибора билан айтганда, бадавлат фермер бўлган. Шўро тузуми шу бойлик туфайли отамга қўшиб бизни ҳам туғилган қишлоғимиз Кенгқўлдан қаҳратон қиши куни бадарға қилган»<sup>1a</sup>.

Аёзли қиши кунларида 4 ёш бола билан 24 соат ичидаги мажбуран кўчириш натижасида ёзувчининг 6 ойлик гўдак укачаси шамоллаб вафот этади. Жигаргўшасининг жонсиз вужудчасини бағрига босиб куйиб-ёниб йиғлаётган онасининг ғамзада қиёфаси ёзувчи хотирасининг энг оғриқли нуқтаси бўлиб қолади. Кошки «баҳиллар» шу билан тинчиган бўлсалар. Ховоснинг Искандар қишлоғидан қўним топиб, сал аҳволлари ўнгланганда, яккахўжалик солиғини тўламагансанлар деб сигир, қўй, эчки, уй-рўзғор буюмлари ҳаммасини шўро ҳукумати номидан мусодара қилишади.

Ёзувчи воқеани шундай хотирлайди:

«Кеч куз эди, тун совуқ. Мен отамнинг барра пўстинини ёпиниб ётган эдим. Тинтув қилаётганлардан бири пўстинни тортиб олмоқчи бўлди. Онам, менга: «Берма! Ҳаво совуқ! Қиши келаяпти!» деди. Лекин шафқатсиз тинтувчи «жиринг бор, бойвучча, совуқда ўлмайсан!» деди-ю, пўстинни ҳам тортиб олиб кетди. Мис кўзачалар, ёғоч корсонлар, рангдор кигизлар, патгиламлар, онамнинг бўғчалари – ҳаммаси аравага ортилди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Пиримқул Қодиров. Қалб кўзлари. -Тошкент: Маънавият, 2001. – Б.110.

<sup>1a</sup>Ўша жойда. –Б.107.

<sup>1</sup>Пиримқул Қодиров. Қалб кўзлари. -Тошкент: Маънавият, 2001. - Б.107.

Ёзувчи оила бошидан кечган бу зўрлик ва зулмларни «Ботирлар ва баҳиллар»да шундай тасвирлайди:

Бостирмаларда безовта қилинган отлар кишнашиб, сигирлар мўърашиб, хоналарда хотин-халажалар дод солиб, қий-чув, тўполон кўтарилди.

- Вой ноинсофлар, келинларга атаб йиққан тақинчоқларни нега оласанлар?!

- Подшоликка ўтади ҳаммаси!

- Подшоларинг шу бозбандга зор бўлиб қолдими, а?! Шу гиламчани ҳам қўймайсанларми, назари пастлар?!» (20-бет).

Реал ҳаётда Қодир Йўлдош ўғли билан Ўғилой Ҳусан қизининг мусодара қилинган мол-мулклари ноқонуний тарзда қишлоқ дўконида сотилиб, пули молия бўлими солиқчиларининг чўнтағига тушади, эгаларига ўндан бири ҳам қайтариlmайди. Афсона-қиссада эса вақтинчалик бўлсада ҳақиқат қарор топади. Бутун салтанатга Қирондев таҳлика солиб турганда, нажотни фақат уч оға-ини ботирларда кўрган Камолхон подшо ботирларнинг ота-оналаридан кечирим сўраб, мусодара қилинган мол-мулкни қайтариб беради.

Шу ўринда аччик реал ҳаёт билан бадиий асардаги воқелик тўқнашади. Ҳаётий воқеалар – бизнинг ота-оналаримиз бошидан кечирган ўтмиш воқеалари нақадар даҳшатли бўлгани беихтиёр тасаввуримизда жонланади. Ёзувчи ўша кечган воқеа-ҳодисаларни афсона-қисса саҳифаларига кўчирап экан, уларни бир мунча «безайди». Бу бир таърафдан, аниқ сюжет талаби билан бўлган бўлса, иккинчи тарафдан халқ оғзаки ижоди билан йўғрилган асар ўта шафқатсизликни унча ҳазм қилолмаслиги билан изоҳланади. Адолат тантанаси – халқ бадиий тафаккурининг етакчи белгиси эканлиги аввалдан маълум.

«Ботирлар ва баҳиллар» афсона-қиссасининг асосий мақсад-ғояси, ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, «халқнинг ботирларини кўра олмаган, уларни йўқ қилишга ҳаракат қилган ёмон ҳукмдорларнинг баҳиллигини фош этиш» (2004 йил, 12 январда ёзувчи билан бўлган сұхбат).

Афсона-қиссада имо-ишора, рамз, ҳар бир жумла, ибора, сўзга иложи борича кўпроқ маъно жойлаш хусусиятини кўрамиз. Шунинг учун ҳам асар қатига яширинган тагмаъно бирдан кўзга ташланавермайди, уни китобхон ўз фаҳми ва диди билан англаб олмоғи лозим.

Масалан, қиссада Қирондев образи жуда яхши топилган мажоз. Эртакда бу образ йўқ. Қиссанинг кўламдорлигини ҳам шу образ тайин этади. Воқеаларнинг кескин тус олиши, ботирлар билан подшонинг очиқдан-очик ёвлашиб қолишига ҳам Қирондев устидан қозонилган ғалаба кимга тегишли эканлигини халқ томонидан ҳаққоний баҳоланиши эди.

Қирондевнинг Камолхон салтанатининг алғов-далғов қилиши, навкарларини қириб, қўшинида парокандаликни вужудга келтиришини тасвиrlашда сермаънолилик мавжуд. Ёзувчи бу ерда бир воқеани тасвиrlай туриб, бутунлай бошқа бир мақсадни кўзлаяпти, яъни китобхонни бошқа бир ҳақиқатдан огоҳ этаяпти.

Асарда ботирлар тарафдорларининг салтанатга қарши бош кўтаришлари мумкинлигидан жазавага тушаётган Камолхон подшо хуфялар амирига шундай буйруқ беради:

«— Ҳаммасини тутиб зиндонга ташланг! Авом халқ ичидаги юрадиган хуфяларни кўпайтиринг! Мударрису мавлонолар нима демокдалар? (таъкид бизники – Ю.К.) Улардан хабардор бўлинг! Бизга қарши айтилган биронта сўз жазосиз қолмасин!» (58-бет).

«Мударрису мавлоноларга» – жамиятнинг гули бўлмиш зиёлиларга, миллатнинг баркамол инсонларига: давлат, жамоат, дин, фан, маданият арбобларига, ҳарбий саркарда, буюк олим, ҳатто оддий қишлоқ ўқитувчисига нисбатан ҳам «халқлар отаси»нинг қаҳру-ғазаби чегара билмасди. Ботирларнинг қучини синаш, жисмоний қучлар мусобақаси эртакда ҳам, афсона-қиссада ҳам етакчи мотив ҳисобланадики, бежизга оға-инилардаги бу фазилат ҳар икки асарнинг сарлавҳасига чиқмаган, яъни «Уч оға-ини ботирлар» – «Ботирлар ва баҳиллар».

Эртакда ботирлар шер, аждар ва ўғрилар тўдасини енгадилар. Бу ғалаба ботирларга ўз кучлари ва қобилиятларига ишонч уйғотади. Улар подшонинг назарига тушадилар. Подшо ботирларнинг ақл-заковатига, жасоратига қойил қолиб, ўзига куёв қиласди. Эртакда эзгуликнинг ҳосили афсона-қиссага нисбатан тор доирада, яъни ботирларнинг ўз манфаатлари доирасида қолади.

Афсона-қиссада эса ёзувчи арслон, аждар, Қирондев каби афсонавий персонажлар даҳшатини, инсонларнинг бошига соладиган кулфатларини бўрттириб кўрсатади, уларни ёруғлик ва эзгулик кушандаси, қонхўрлик ва ёвузлик тимсоли сифатида фақат ботирларга эмас, бутун халқقا қарши қўяди. Афсонавий маҳлуқлар ўзларига қарши чиқсан қанчадан-қанча йигитларнинг умрига зомин бўладилар, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қиласди, ариқлардаги сувларни қуритадилар, энг даҳшатлиси улар оқила, гўзал қизларни ўзларига қурбонликка талаб қиласди.

Ёзувчи бу ерда ботирларнинг қудратини идеаллаштириш мақсадида уларнинг ғалабаси нечоғлик зарур ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиш учун ҳам эртакдан фарқли ўлароқ шер, аждар ва Қирондевнинг ёвузликларини муболагалаштиради.

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом ўзининг «Фольклордан ўрганийлик» мақоласида дейди: «Оғзаки адабиётни янги сюжетлар билан бойитишда, ўша сюжетни ифода қиласи экан, ҳар бир сатргача бизнинг дунёқарашимиз билан сугорилганлигини таъмин қилишда ёзма адабиёт кадрларимиз фольклорчиларга ёрдамда бўлишлари керак. Яъни адабиётимизнинг етакчилик роли ёзма адабиётда бўлсин. Биз ўз фольклоримизни ўрганишимиз, уни ўстиришимиз керак»<sup>1</sup>.

Агар муҳтарам шоиримизнинг ушбу фикрларидан келиб чиқадиган бўлсақ, адибимиз Пиримқул Қодиров «Ботирлар ва баҳиллар» қиссасида фақат «Уч оға-ини ботирлар» эртагининг воқеалар силсиласига боғланиб қолмай, ижодий нияти, қисса концепциясидан келиб чиқиб ўз бадиий фантазиясига

---

<sup>1</sup>Ғафур Ғулом. Муқаммал асарлар тўплами. 11-том. -Тошкент: Фан, 1989. – Б.80.

суюнганини кўрамиз. Натижада ёзувчи дунёқарашини ўзида акс эттирадиган янги тўқима воқеалар, тўқима образлар яралади. Эртак сюжети ёзувчининг бадиий ниятига кўра кўпроқ рамзий образлар, имо-ишоралар, ички ва ташқи маъно оқимлари ҳисобига боййиди.

Афсона-қиссадаги Камолхон подшо шаҳзода Абусайд, вазир Зухурбеклар қора ниятли инсонлар. Эртакда Кенжа ботир подшо олдида ўзининг нияти холислигини исбот этади. Подшо ботирлардан кечирим сўрайди. Ботирлар биз сарой одамлари эмасмиз, эркин яшаб ўргангандиз деб маликаларни олиб, ўз юртларига, оталари бағрига қайтадилар. Эртак конфликти шундай ечим топади.

Афсона-қиссада эса подшо ва сарой аъёнлари билан ботирлар ўртасидаги зиддият ўсиб, кескинлашиб, подшонинг зўрлик ва зўравонлик, хунрезлик сиёсатига қарши халқ исёнига айланиб кетади, воқеалар, қисса конфликти ижтимоий - сиёсий тус олади. Асарда Камолхон подшо томонидан муҳим бир фикр айтиладики, бу афсона-қиссанинг сталинча мустабид тузум билан боғлиқлиги нақадар узвий эканлигини яна бир бор исботлайди. Мана ўша фикр: «Мен одамларни фақат ташидан эмас, ичидан ҳам билишим керак. Ташқи дунёга подшо бўлишим етарли эмас. Мен одамларни ички дунёсига ҳам ҳоким бўлишни истайман» (112-бет). Бу фикр совет тоталитаризмининг азалий орзуси эди. Лекин адолат ғалаба қозонди, тожу тахтга зулукдек ёпишиб олган Камолхон подшо охир-оқибат тахтнинг тагида қолиб, кўр бўлиб қолади.

Бутун асар давомида фақат эзгуликка хизмат қилган, энг яхши инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган, ўғилларига ҳам яхши ота, ҳам олижаноб инсон сифатида ўrnak бўла олган Чўпон ота китобхоннинг чексиз меҳрини қозонади.

Чўпон отанинг табиатидаги ҳилмлилик уни қўрқоқликка, мутеликка, қўрқўона итоатга етакламайди, бунинг исботини вазир Зухурбек билан бўлган куйидаги сұхбатдан ҳам кўриш мумкин:

«Йўлда бораётганларида вазир Зухурбек Чўпон отага сўз ўргата бошлади: Намоздан кейин масжид ҳовлисида мен халойиқни тўхтатаман. Сиз айтинг:

«Камолхон ҳазратлари ғалабанинг раҳнамоси бўлдилар!», денг. Ўғилларингиз унга содик хизмат қилишини эълон қилинг! «Подшомиз ўз тахтида яна юз йил турсин!», деб дуо айтинг.

Чўпон ота бу гапларни ёқтирамай:

- Жаноб вазир, бўйнидан боғлаган този овга ярамайди, - деди. – Бизни ўз ҳолимизга қўйсангиз яхши бўлар эди. Дилемизда борини ўзимиз айтамиз» (62-бет).

Бахилларга қарши курашда Чўпон ота ҳалок бўлади. Лекин халқ «қўғирчоқ» подшо Камолхондан, бадкирдор Зухурбек, шаҳзода Абусаидлардан қутулади. Ҳақиқат қарор топади. Адолат ғалаба қозонади. Ғалаба эса қурбонлар эвазига, Чўпон ота каби фидойи инсонларнинг қимматли умри ҳисобига келади.

«Минг-минг одам Чўпон отанинг тобутини тоғ этагидаги қишлоғига стгунча бир лаҳза ҳам ерга қўймай кўтариб борди. Кейин улкан дарё ва обод водий оралиғига тушган баланд тепаликнинг устига дафн этдилар. Шундан бери эл-юрт бу жойни «Чўпон ота тепалиги» деб атайдиган бўлди» (124-бет).

Пиримқул Қодиров ёмонлик дунёсига қарши қатъийлик билан кураш олиб борган, барча азоб-уқубатларга бардош бериб ғалаба қозонган ботирлар қиссасини яратди. Ботирлар енгилмас қаҳрамонлардир. Чунки улар халқ иродаси ва қудратининг тимсоли. Халқ иродаси ва қудратини енгиш, бўйсундириш ҳеч қачон мумкин эмас, чунки қисса охирида кекса отахон таъкидлаганидек, «нажот-халқнинг ўзида, нажот ҳам, баҳт ҳам – халқнинг шу уч оғайнидай мард, асл фарзандлари борлигига» (124-бет).

Бу билан муаллиф ўзининг асардаги маънавий-ахлоқий идеалини тайин этади: «Нажот – халқнинг ўзида». Зотан халқ эзгуликнинг битмас-туганмас манбаи. Халқ бор экан, унинг маънавий-ахлоқий қиёфаси пок ва гўзал бўлар экан, ҳеч қачон ёмонлар – бахилларнинг ошиғи олчи бўлмайди. Вакти-соати келиб, эзгу кучлар – халқнинг ботирлари уларнинг танобини тортиб қўяди. Алалоқибат эзгулик ғолиб чиқади.

Афсона-қиссанинг маънавий-ахлоқий пафоси шу.

Бинобарин, халқ оғзаки ижодида асрлар давомида синовдан ўтиб, қатъий маънавий талаб даражасига етган халқ донишмандлиги содда, айни пайтда теран образлар, турли-туман рамз ва ишораларда ўз ифодасини топган бўлади. Зеро, фольклоршунос олимлар ёзишича, фольклор «билимнинг специфик соҳаси, халқ донишмандлигининг намойишидир»<sup>1a</sup>.

Айтилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб қуидаги хуносаларга келдик:

1. Ёзувчи ижодида фольклорга хос сюжет ва ифода йўсини бежиз пайдо бўлмайди. Бу нарса ижодкорни безовта қилган ҳаётий воқеалар таъсирида рўй беради, яъни афсона-қисса реал ҳаётдан озуқа олади.
2. «Ботирлар ва баҳиллар» генетик жиҳатдан ўзбек халқ эртаги «Уч оғанини ботирлар»га бориб тақалади. Лекин ёзма адабиёт намунаси бўлганлиги туфайли, у қатор ўзига хос жиҳатларга эга. Афсона-қисса халқ ўтмишининг афсонавий дунёси билан адиб ўтмишининг воқе дунёси синтезидан пайдо бўлган асардир.
3. Афсона-қиссада ёзувчи олға сурган маънавий-ахлоқий қадриятлар халқ ижодининг маънавий қудратидан куч-қувват олади, унинг ўзига хос синовидан ўтади. Бу асарнинг этик ва бадиий-эстетик қимматини белгилайди.

---

<sup>1a</sup>Прангишвили А.С. Фольклор и психология / Проблемы фольклора. – М.: Наука, 1975. - С.44.